Тадқиқотлар институти


# Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси

1996 йил. 26 ноябр

47 (76)- сон


## ЖАМИЯТ ҲАЁТИ УЧУН МУҲИМ МАСАЛАЛАРНИ МУҲОКАМА ҚИЛИШ КЎЗЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши Олий Мажлиснинг еттинчи сессиясини шу йил 26 декабрда Тошкентда чақиришга қарор қилди.

Сессия кун тартибида Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва 1997 йилги давлат бюджетининг кўрсаткичлари лойиҳаси, Адвокатура, Нотариат, Сиёсий партиялар тўғрисидаги қонунлар лойиҳалари (иккинчи ўқишда) муҳокама этилади. Сессияда, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва шахс эркинликлари билан боғлиқ тарзда жамиятда демократлаштиришни чуқурлаштиришга хизмат қиладиган ўта муҳим қонун лойиҳалари биринчи маротаба ўртага қўйилмоқда. Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида, Журналистнинг касбига доир фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсмен) тўғрисида, Давлат хизмати тўғрисида, Солиқ кодекси тўғрисида, Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида, Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида сингари қонун лойиҳалари шулар жумласидандир.

Олий Мажлис қўмиталарида янги қонунларнинг лойиҳалари устида қизғин иш бормоқда.

## ФИКРАТ ЗИЁСИ

Ўтган ҳафта пойтахтнинг «Турон» кутубхонасида давримизнинг атоқли шоири, жамоат намояндаси Эркин Воҳидов ижодига бағишланган адабий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманга шоир шеъриятининг кўплаб ёш мухлислари жам бўлдилар. Ўткир Ҳошимов, Умарали Норматов, Наим Каримов, Озод Шарафуддинов, Иброҳим Ғафуров, республикага таниқли олимлар, санъаткорлар шоир ижодининг халқ тақдири, миллий ўзликни англаш, истиқболда тутган ўрни ҳамда аҳамияти ҳақида теран мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Шоирнинг давр, инсон, Ватан, миллий ифтихор ҳақидаги ҳаяжонли сўзлари йиғилганларда унутилмас таассурот қолдирди.

## НОЗИК ҚЎЗИЕВАНИНГ ҒАЙРАТИ

Нозик Қўзиевани балки танирсиз. Унинг жуда нозик психологик ҳикояларини ўқигандирсиз. Балки кўзингиз тушгандир. Нозик ҳикоялар ёзишни жуда ҳам севади. Шу билан бирга у Навоий вилоятида Болалар жамғармасини бошқаради.

Нозик Қўзиеванинг ташаббуси билан кўп фарзандли, кам таъминотли бир қанча оилалар мамлакат газета-журналларига обуна қилиндилар.

«Саодат» журналига 20 , «Миллий тикланиш» газетасига 10, «Муштум» журналига — 10 та хонадон обуна бўлди. Бирданига, кўрдингизми, қирқ хонадонга зиё кириб борадиган. Қирқ хонадонда ўртача ўн кишидан бўлса, у ёғини ҳисоблаб олаверинг.

Ўқувчиларимиз 400 кишига кўпайди ҳисоби.

Зиёли бўлса, киройи шундай бўлсин-да.



## Иши дурустнинг бозори дуруст



Юртимизнинг бозорлари бугун гавжум. Қаерга борманг, ораста, шинам, шарқона жозибадор расталар кўзингизни қувонтиради. Шаҳарлар, туманларнинг бозорлари ҳақиқий миллий қиёфасини топиб, том маънода маданийлашмоқда.

Гулистон марказий деҳқон бозори ҳам кейинги икки-уч йил ичида бутунлай ўзгариб кетди. Бу ерда қийналмай, зўрикмай савдо-сотиқ қилиш учун барча шароитлар яратилди. Турли хил тартибсизликларга чек қўйилди. Энди сотувчи ҳам хурсанд, олувчи ҳам.

Бозорни турли хил сабзавот, қуруқ ва ҳўл мевалар билан таъминлаш мақсадида қўшни вилоятлар билан шартномалар тузилган. Зафарободдан сара майиз, туршаклар, тоғ писталари келтирилади. Самарқандлик миришкорлар ҳам бозор пештахталарига неча турли анвойи маҳсулотлари билан файз-барака киритмоқдалар.

Бозорда турмуш, аҳоли умргузарлиги учун зарур ҳамма нарслар бор ва нарх-наволар ҳам бунда инсоф-диёнат билан белгиланган. Нархлар ҳам доим кузатиб турилади.

Бозор маъмурияти шароитни яхшилаш учун ҳамма чораларни кўришга тайёр. Бу ерда 14 хилдаги хизмат турлари кишиларнинг оғирини енгил қилади.

Яқин вақт ичида сартарошхона, соатсозлик ва пойабзал таъмирлаш устахоналари ҳам иш бошлайди.

Ҳаёт эгнига ҳам, бўйига ҳам соат сайин ўсмоқда. Табиийки, бу ўсиш бозорга ҳам таъсир қилади. Гулистонда ҳам бозор кенгаймоқда. Шаҳар ҳокими А. Абдуллаевнинг ташаббуси билан замонавий услубдаги катта янги деҳқон бозори қурилиши тугатилиб, ишга тушиш арафасида турибди. Бозор миллий услубда қад ростлади. У ўз сарф-харажатларини ўзи қоплайди. Келган фойда ободончилик ва маданийлаштиришга сарфланади.

Ёпиқ усулдаги ушбу янги бозор ишга тушиши билан халққа жуда катта қулайлик яратилади. Бундан Тошкент-Янгиер катта йўлидан қатнайдиган йўловчилар ҳам тўла баҳраманд бўладилар.

Бизнинг ниятимиз битта, у ҳам бўлса одамларнинг мушкулини осон этиш. Бозорни ранг-баранг, керакли, аҳоли учун манзур ва зарур нарсалар билан тўлдириш.

Ўз навбатида узоқдан келиб дастурхонимизга кўрк қўшаётган деҳқонларга яратилган шарт-шароитлар, қулайликлар ҳақида ҳам бир оғиз эслатгим келади. Уларнинг яшашлари учун меҳмонхона, маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари ишлаб турибди. Шунингдек, намозхонлар учун алоҳида хона ажратилган. Бозорда ҳафта-ўн кунлаб савдо қиладиган меҳмон деҳқонларимиз бизнинг доимий диққат-эътиборимиздадир.

Сероб, тўкин бозорларимиз бағри кенглигимиздан яна бир нишонадир.

**Баҳром АҲМЕДОВ**
Гулистон

**Суратларда: Гулистон бозорида**





**Пойтахт жамоли**

## БУ ФУЛЛЕРЕН! БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

Бундан ўн йилдан кўпроқ вақт илгари бир неча америка ва инглиз олимлари лазер нурини графит талинкага юборилса, нима бўлишини тажрибадан ўтказа бошладилар. Ўта нозик асбоблар илгари мисли кўрилмаган янги молекулани қайд этдилар. Бу молекулалар олтмишта атомдан тузилган эди. Олимлар фикрича, бу молекуланинг тузилиши турли шаклдаги қийқимлардан тикилган футбол тўпининг худди ўзгинаси. Меъмор Бакминстр Фуллер 1967 йилда Монреалда ўтган Халқаро кўрзазма учун яримта тўпни эслатадиган ажойиб-ғаройиб бино қурган эди. Молекула ўша бинони ёдга солиб, олимлар унга фуллерен деб ном бердилар.

Молекуланинг ҳикмати ва хосияти нима экан? — деб сўрарсиз.

Фуллерен улгероднинг бир қатор молекулаларининг мураккаб тарзда бирикувидан ҳосил бўлади. Углерод молекулалари ўзаро ҳалқасимон уланиб бора-бора янги бир молекула — фуллерен ҳосил қилади.

Фуллерендан эса шу пайтгача ҳатто тасаввур ҳам қилиб бўлмаган янги ёқилғи, мойлар, ўта қаттиқ материаллар, ўта нозик ўтказгичлар, катализаторлар ва яна бошқа жуда кўплаб янгидан янги моддалар олинади.

Мана шундай ажойиб-ғаройиб фуллеренни оламга келтирганликлари учун америкалик Роберт Керл, Ричард Смелли, инглиз олими Харолд Крото кимё соҳасида 1996 йил Нобел мукофотига сазовар бўлдилар.

Фуллерен молекулалари ва уларнинг ўта барқарор атомлари билан бирга инсоният янги моддалар дунёга келадиган замонга кирди.

## МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

**Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маориф, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи муассасаси ярим асрдан буён кенг кўламда фаолият кўрсатиб келмоқда. 1993 йил 29 октябридан эса мустақил Ўзбекистон унинг тенг ҳуқуқли аъзосидир.**

**Ёдингизда бўлса, Президентимиз Ислом Каримов ЮНЕСКО ижроия кенгашининг 149-сессиясида сўзлаган нутқида ушбу нуфузли халқаро ташкилот билан ҳамкорлик алоҳида аҳамиятга эга эканини таъкидлаб, айниқса ёшлар сиёсати борасидаги мулоқотларга урғу бергандир. Зеро, ЮНЕСКОнинг 2000 йилгача бўлган асосий фаолият дастурида ёшлар масалаларига айрича эътибор қаратилган.**

**19 ноябр куни Республика ёшларининг «Камолот» жамғармасида ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги бюроси билан ҳамкорликда «Ўзбекистоннинг маънавий юксалиши ва ёш авлод» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Суҳбатни бошлаб берган Бюро раҳбари жаноб Майкл Барри Лейн ЮНЕСКОнинг Ўзбекистонда олиб бораётган фаолияти, келгуси режалари, хусусан, талаба ва ёшларга бўлган катта эътибор ҳақида сўзлади.**

**Шундан кейин давра иштирокчилари «Ёшлар, маънавият, ватанпарварлик» ҳамда «Ёшлар, таълим, демократия» мавзуларида ўзаро баҳс қилдилар. «Камолот» жамғармаси раиси Ҳотам Абдураимов, Олий Мажлис Парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Эркин Воҳидов, Ўзбекистон телевидениеси вакили Қуддус Аъзамов, «Олтин мерос» жамғармаси раиси Худойберди Тўхтабоев, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий Марказ директори Акмал Саидов, Миллий тикланиш партияси масъул ходими, шарқшунос олим Азамат Зиёевларнинг чиқишлари айниқса қатнашувчиларда катта таассурот қолдирди.**

**Шунингдек, давра суҳбатида ЮНЕСКОнинг ёш лидерлар ҳамда «Қизлар, фан ва технология» грантлари совриндорлари бўлган юртдош талабаларимиз ҳам иштирок этдилар.**

**Давра суҳбати қатнашчилари вилоятларда ҳам ёшлар маънавияти бўйича гурунглар уюштиришга, шу билан бир қаторда жамғарма қошида доимий ишлайдиган ЮНЕСКО клуби ташкил этишга ҳам келишиб олдилар.**

**Учрашув якунида иштирокчилар келажак авлодлар ҳуқуқлари конвенцияси лойиҳасини муҳокама қилиб, тегишли қарор қабул қилдилар.**

## «МТ»: воқеалар, хабарлар

### АССАМБЛЕЯ ЖАМҒАРМАСИ

*Фуқаролик жамиятининг асосини жамоат ташкилотлари ташкил қилади. Ҳар қандай иқтисодий ривожланган демократик давлатда биз одатда ҳукумат зиммасига юклаб қўйишга ўрганган фаолиятни жамоат ташкилотлари, хусусан, жамғармалар олиб боракан.*

*Ўтган ҳафта Вазирлар Маҳкамасининг «Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси халқаро жамоатчилик ҳаракатини ривожлантириш жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» Қарори қабул қилинди.*

*Марказий Осиё халқлари ўртасидаги қадимий дўстлик ва маънавий бирликни янада мустаҳкамлашга, маданият, маърифат, илм-фан ҳамда маънавий қадриятларга асосланган ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган Ассамблеянинг эзгу фаолиятини иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш учун махсус Жамғарма тузилди. Жамғармага Вазирлар Маҳкамаси заҳирасидан ўн миллион сўм пул ажратилгани ва беш йиллик солиқ имтиёзлари берилгани айни муддао бўлди.*

### «...НАЙ БЕР МЕНГА, ДЎСТГИНАМ»

**Жанубий Кореяда бўлиб ўтган «Сеул-96 пири» халқаро фестивал-танловида ҳамюртимиз ғолиб чиқди.**

**Республика халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмаси қошидаги «Сўғдиёна» халқ чолғу асбоблари камер оркестрининг созандаси Ғофуржон Норбоев жаҳоннинг ўн саккиз мамлакатидан келган таниқли созандалар орасида ўзбек миллий най, сурнай, қўшнай сингари чолғу асбоблари имкониятларини намойиш этиб, кўпчиликни ҳайратга солди.**

**Танлов якунида ҳакамлар бир овоздан Ғ. Норбоевни биринчи ўрин ва биринчи даражали диплом билан тақдирладилар.**

**Г. МУРОДАЛИЕВА**

*Ватан билгинлари*

# ИМОМ АБУ МАНСУР АЛ-МОТУРИДИЙ

Муҳамад бин Муҳаммад Абу Мансур ал-Мотуридий тахминан ҳижрий 238, мелодий 852 йилда Самарқанднинг Мотурид қишлоғида дунёга келди. Исломий манбалар унинг сулоласи ҳазрати Або Айюб ал-Ансорийга бориб тақалишини қайд этади. Туркистондаги Имом Аъзам Абу Ҳанифанинг мазҳабини ёқлаган, бу мазҳабда бўлган илм силсиласи ичида талабалари ҳисобланган буюк устозлардан таҳсил олди. Ушбу устозлар ақоид, тафсир, ҳадис ва фиқҳда имом, айни пайтда зуҳд ва тақво соҳиби, исломиятнинг ёйилиши ва мусулмонларни ҳимоя қилишда бутун борлиғи билан жиҳод этган буюк сиймолар эди. Мотуридий улар файзи баракотидан улкан олим бўлиб етишди. Ва ўзи ҳам Ҳаким ас-Самарқандий, Абулҳасан ар-Рустуғфоний, Абдулкарим ал-Паздавий ва Абуллайс ал-Бухорий каби пировардида буюк олим ва имом даражасига юксалган, яловбардорлик қилган олимларни етиштирди.

Имом Мотуридий ҳақида ҳозиргача етарли бир тадқиқот амалга оширилмаганлигидан, афсуски, ҳаёт саҳифаларига доир унча кўп маълумотга эга эмасмиз. Бироқ, мавжуд манбалар ва исломий илмлар тарихининг гувоҳлик беришича, у шариатни иҳё этган (тирилтирган), «ҳидоят машъаласи, илмлар дарёси ва мутакаллимийннинг (илми Калом олимларининг) имоми» унвонини олган. У бидъат ва залолат арбобларига зарба берган. Тафсир, калом, мазҳаблар тарихи ва усули фиқҳга оид бир неча қимматли асарлар яратган. Мотуридийа мазҳабига асос солган. Бу мазҳаб ўша пайтдан ҳозирги кунга қадар, ўн бир аср давомида аҳли суннатга ишончли мактаб ҳисобланади.

Ҳидоят машъаласи Имом Абу Мансур ал-Мотуридий қурган мазҳаб Ҳанафий мазҳаби мансублари ва кўп туркий қавмлар томонидан ҳам мақбул кўрилгандир. Мотуридий мелодий 944 йилда, тўқсон ёшидан ошган бир пайтда Саамрқандда вафот этди ва ўша ерда дафн этилди.

Мотуридийнинг кўп асарлари ҳали ўрганилмаган. Улардан фақат иккитасигина маълум, қолганлари эса қидирилишга, тадқиқ қилишга муҳтождир.

1. «Тавилоти Қуръон». Қуръони Каримнинг бошидан охиригача тафсири бўлиб, Истанбулдан ташқари дунё кутубхоналарида бир неча ёзма нусхаси мавжуд. Котиб Чалабийнинг таърифлашича, ўз даврига қадар бунга тенг келадиган бир тафсир ёзилган эмас. Китоб бугун ҳам ўз қийматини йўқотмаган. Асарнинг фақатгина Ол-и Имрон сурасигача бўлган қисми нашр этилган. Ўн беш жилд бўлиши мўлжалланаётган асарнинг тўлиқ академик нашри устида иш олиб борилмоқда.

2. «Китобул-тавҳид». Бу асарда масалаларга Имом Аъзам Абу Ҳанифа бошлаб берган йўлдан бориб ёндошади. Асарнинг дунёда ягона нусхаси Англиянинг Камбриж Университети кутубхонасида сақланмоқда. Бу нусхага суянган ҳолда асар бир марта нашр этилган. Бу жуда қийматли асарни қайта бор нашр эттириш ва туркчага таржима қилиш устида ишлар бошлаб юборилган.

Имом Абу Мансур ал-Мотуридийнинг Самарқандда жойлашган қабрини обод зиёратгоҳ этиш, асарлари, маънавий бойлиги ва тарихий хотирасини тирилтириш барчамизнинг ҳимматимизга боғлиқ.

Эҳтимол, Мотуридий хотирасига бағишлаб Самарқандда бир симпозиум чақириш пайти етгандир. Бу Соҳибқирон Амир Темурнинг Самарқандига янги бир маънавий соф ҳаво қўшади.

Бинобарин, мустақилликдан эътиборан жаноб Ислом Каримовнинг тарихий ифтихоримизга қилган хизматларига янги бир улкан улуш қўшилган бўлади.

Сўнгсиз лутф ва карам эгаси Аллоҳ бизни бу шарафли хизматга муваффақ қилажакдир.

**Аҳмад ШАРҚ**

**Абдумурод ХОЛМУРОД ўғли ўгирди**

«Миллий тикланиш»га обуна бўлишни унутманг!

**Обуна индексимиз:**
якка шахслар учун 64618
ташкилотлар учун 64619



### САБО, ЕТКУР САЛОМИМНИ

# РИЗҚ-РЎЗИМИЗ АСОСИ

Ҳурматли муҳаррир!

Юртбошимиз Наманганда бўлганларида сўзлаган нутқларида кўп муаммолар қатори халқ ўз истиқомати учун солаётган уйлар тўғрисида гапириб, одамлар солаётган уйлар пишиқ ғиштдан пухта, чиройли, шинам, обод мамлакатларникидан қолишмайдиган қилиб кўтарилишини, ҳар бир қишлоқ, ҳар бир уй юртимизга зеб бўлишлигини орзуладилар. Булар чин маънода эл-юртга сидқидилдан ғамхўрлик қилиб айтилган гаплардир. Шундай экан, биз қурилиш хом ашёси, қурилиш материаллари, уларни ишлаб чиқариш устида кўпроқ ўйлашимиз керак бўлади. Ёғоч йўқ деб ўтирган билан ёғоч ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Мана, пишиқ ғишт масаласи. уни соғ тупроқ хом ашёсидан пиширишларини эшитганман. Ғишт заводларининг атрофлари ўйилиб омонсиз жар ва чуқурлар бўлиб ётганлигини ўзим кўрганман. Лекин соғ тупроқ худди сув каби дунёда инсон учун энг қимматли нарса-ку! соғ тупроқ захиралари қанча? Ва уни умуман ғишт пиширишга сарф қилиб юбориш ўзини қандайдир тарзда оқлайдими?

Қурилиш билан боғлиқ муаммолар миллий тикланишга тўғридан-тўғри дахлдор деб ўйлайман. Хўш, Миллий тикланиш партияси ва унинг ҳурматли газетаси Ўзбекистонда қурилиш материаллари масалаларини мунтазам ёритиб борса бўлмайдими? Ахир, партиянинг иқтисодий дастури, кўзланган мақсадлари бордир-ку?

Мана, айтайлик, уйларимизнинг томи масаласи. Доим тунука, шифер қидириб юрамиз. Лекин Европа мамлакатларида ўзим кўрганман. Уйлар ҳаммаси қадимдан черепица билан ёпилган, ва айтишларича, черепица деганлари минг йилларча ҳам тураверар эмиш. Бунинг устига шиферга қараганда, юз баравар экологик жиҳатдан тоза эмиш. Хўш. Нега Миллий тикланиш партиясининг газетаси черепицани энг қулай, энг пишиқ қурилиш материаллари сифатида тарғиб қилмайди? Нега Ўзбекистоннинг бир қанча вилоятларида черепица ишлаб чиқарадиган заводлар партия ташаббуси билан қурилмасин? Мен партиямиз бу каби масалаларни кўтариб чиқишини истардим.

Эшитишимча, партиянинг ҳам, унинг газетасининг ҳам иқтисодий аҳволи ҳавас қиларли даражада эмас. Начора? Ишнинг бошланиши эҳтимол шундай қийинчиликлардан холи эмасдир. Лекин агар партия шундай иқтисодий ғояларни кўтариб чиқса, Президентимиз олтинчи сессиясида айтганларидай, жуда катта ёрдам бўларди-ку!

Мен газетангиз орқали шу каби Республика иқтисодиёти учун, миллий манфаатлар учун ўта муҳим масалаларни кўтариб чиқиб, унда инженерлар, қурувчилар, геологлар ва бошқа мутахассисларнинг фикрларини ёритишингизни истардим. Бу жуда катта муаммо. Жуда катта ва жуда қизиқарли. Ўйлайманки, уни ҳал этиш йўлини топиш мамлакатимиз учун ғоятда катта аҳамиятга молик бўлади.

**Самимият билан,**

**Раҳим УСМОНОВ**

Тошкент

*Ўзбекистон заҳиралари*

## «МТ» таклиф этади, қурувчилар ва мутасаддилар ўқисин!

XX аср инсоният тарихида умумжаҳон маданият, саноат ва қишлоқ хўжалигининг салмоқли тараққиёти ва Ўзбекистоннинг мустақил давлат бўлиши билан тарих саҳифаларида қолажак. Шунинг билан бир қаторда XX аср дунёда нохуш қонли урушлар, Орол денгизининг қуриши, очлик ва яланғочлик, тузалиши мушкул ёки умуман тузалмас дардлар даври ҳамдир. Буюк илмий ва техник кашфиётлар қилинди, коинотга илк бор қадам қўйилди. Шаҳар ва қишлоқлар сони сайёрамиз бўйича ўсди ва кенгайди. Яшаш маконларида умум халқларнинг ўсиш даражаси беқиёс тезлашди, аҳоли нуфузи 1990 йиллар бўсағасида 5 миллиарддан ошиб кетди ва бу ўсиш ҳамон тез суръатлар билан давом этмоқда. Бу ҳол ўз навбатида жаҳон бўйича халқлар нуфузининг ўсишини маълум режалар ва қонунлар асосида олиб бориб, туғилиш сонини шароитга қараб маълум миқдорлар чегарасида тутишни тақозо этмоқда. Чунки бу ўсишга лоқайдлик билан қаралса, яқин келгусидан Она-Ер инсонларни озиқ-овқат билан таъминлай олмаслиги хавфи туғилиши муқаррар. Бас, шундай экан, Она-Ернинг маҳсулот берувчи ҳар бир қаричини асраб-авайлаш ҳар бир давлатнинг ва унда ҳаёт кечирадиган фуқароларнинг муқаддас бурчи бўлмоғи зарур ва бу турмуш тарзининг асосий шартидир.

Умуман олганда, Ер сайёраси тириклик ўчоғи, моддий бойликлар хазинасидир. Ана шу хазина қаторига аввало ернинг энг устки қисмида, гиллар туркумига кирувчи тоғ жинсларидан ҳисобланган, халқ тилида соғ (соз) тупроқ, фанда эса лёс ва лёссимон (немисча — Loss — бўшак сувда эрийдиган) деб аталувчи жинслар киради ва шу соз тупроқ табиатда кенг тарқалган. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш кераккки, ибтидоий инсонлар эндигина ҳаёт кечира бошлаган пайтларидаёқ биринчи бўлиб шу гил ва ош тузи билан фойдали қазилма сифатида танишганлар, олтин, кумуш, мис ва темир каби маъданлар борлигини ҳатто хаёлларига ҳам келтирмаганлар. Зеро, Тангрининг ўзи ҳам Одам Атони гилдан (лойдан) ясагани кўпчиликка аён.

**Озиқ-овқат манбаи бўлса тупроқ**
**Кислород булоғидир яшил япроқ.**




- **Соғ тупроқдан пишиқ ғишт ясаш қанчага тушади?**
- **Ватан тупроғини аяшни ўрганайлик.**
- **Ўзбекистонда юз йилларга етадиган арзон, пишиқ қурилиш хом ашёси захиралари.**
- **Минг йилда бир мм соғ тупроқ ҳосил бўлади.**

Геологларнинг текширишларига кўра, лёсс деб аталувчи жинслар сайёрамиз сиртида кенг тарқалган бўлиб, улар Европа, Осиё ва Америка қитъалари қатори Австралия ва Африкада ҳам кўплаб учрайди. Янги мустақил давлатларда улар қуруқликнинг 14 фоизини эгаллаб ётадилар, жумладан, Ўзбекистон Республикасида, Хитой каби лёсс-соғ тупроқлар кенг тарқалган бўлиб, унинг қалинлиги 10—20 метрдан 150 метргача етади. Шунга қарамай уларнинг пайдо бўлиши ва тарқалиш қонуниятлари ҳақида 100 йиллаб қизғин мунозаралар давом этганига қарамай, унинг баъзи бир томонлари ҳамон узил-кесил ҳал этилган эмас. Ўзбекистон соғ тупроқларини пайдо бўлиши ва уларнинг инженер-геологик хоссаларини ўрганишда ЎзФА академиги — республикадаги фан ташкилотчиларидан бири Ғани Мавлоновнинг ҳиссаси беқиёсдир. Унинг бу соҳадаги илмий назариялари чет элларда тан олинган.

Хўш. Соз-соғ тупроқлар кенг тарқалган деб уни бекорга исроф қилавериш тузукми? Ёки уни авайлаб-асраш керакми? Бу саволнинг туғилиши табиий. Шаҳар ва қишлоқларнинг кенгайиши, транспорт қатнайдиган йўлларнинг узайиши ўз-ўзидан соғ тупроқли экин майдонларининг қисқаришига олиб келади. Бунинг устига соғ тупроқдан қурилиш материали сифатида фойдаланиш ғишт ва бошқа керамика (сопол) буюмлар ишлаб чиқариш XX асрнинг иккинчи ярмига келиб узлуксиз ўсди ва бу ўсиш ҳамон авжига чиқмоқда. Бу ҳолатни биргина хом ва пишиқ ғишт ишлаб чиқариш мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, ғоятда ачинарли иш қилинаётганига тўла-тўкис ишонч ҳосил қиламиз.

Собиқ ЎзССРда 400 га яқин ғишт заводлари мавжуд эди. Уларга ажратилган соғ тупроқ заҳиралари 1930 йилларда тасдиқланган бўлиб, 1960 йилларга келиб у заҳиралар тамом бўла бошлади. Бўз ерлар пахтазорларга айлантирилиб, заводлар қарийб хом ашёсиз қолдилар. Бинобарин, ғишт учун янги хил хом ашё топиш зарурати кун тартибига долзарб масала қилиб қўйилди.

Республикамиз геологлари қатори, шу сатрлар муаллифи мен ҳам бу муаммони ечиш учун илмий тадқиқот олиб бордим ва 1968 йили республикада биринчи бўлиб пишган ғиштни соғ тупроқдан эмас, балки қадимий геологик даврларда пайдо бўлган ва улкан заҳираларга эга, устида ғўза у ёқда турсин, тикан ҳам ўсмайдиган қизил гиллардан пишган ғишт тайёрлашни лабораторияда исботлаб, бунинг учун Тошкент вилояти, Троицк яқинидаги Майск қишлоғи атрофида тарқалган қизил гилларни разведка қилишни тавсия этдим. Бу ишга аввало собиқ Қурилиш материаллари вазирлигига қарашли тоғ-геология экспедицияси, сўнгра «Химгеолнеруд» экспедицияси шитоб билан киришди. Натижада Майскда ҳар йили 75 миллион ғишт берадиган завод қурила бошлади. Лекин у «туя гўшти» еб, республикамиз мустақил бўлгандан кейингина 1992 йилдан бошлаб маҳсулот бера бошлади. Бундай завод Наманган вилояти, Чуст шаҳри яқинидаги Варзиқ қишлоғида ҳам қурилмоқда. Агар соғ тупроқдан олинган ғишт маркаси «50—75» бўлса, қизил гилдан тайёрланган ғиштнинг энг пастки маркаси «125»га тенгдир. Шунга қарамай, минг афсуслар билан қайд қилиш мумкинки, бу хил қадимий гиллардан ғишт тайёрлашга батамом ўтиш ҳамон пайсалга солинмоқда. Бунинг устига устак ҳозирги кунда соғ тупроқдан ғишт тайёрлаётган заводлар ва жамоа хўжаликлар ва иш билармонлар қурган ва қураётган майда ғишт цехларининг умумий сони 10000 дан ҳам ошиб кетган бўлиши керак. Соғ тупроқ олингач у майдонлар нари борса сув ҳавзаси, кўпинча ахлатхона бўлиб қолади. Собиқ Комсомол кўли бунга яққол мисол-ку! Ҳозирги замон — бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бериб тийин ва сўмни ҳисоблайдиган бўлсак, қуйидаги нохуш манзара намоён бўлади: амортизация муҳлати 25 йил ва бир йилда 50 миллион ғишт берадиган завод учун 6 гектар соғ тупроқли майдон керак бўлади. Бу завод берган 25 йиллик маҳсулотни дунё бозорига олиб чиқиб сотадиган бўлсак, у ўртача ҳисобда 10 сўм турса, 6 гектар ерга ғўза экиб унинг толасини сотадиган бўлсак, у 100 сўм туриши аниқ. Демак, ғишт олтин нархига тенг келмоқда. Агар биз яна 6 гектар ер 25 йил пахта бериб, яна келгусида у 100 йиллар давомида ҳам ҳосил беришини ҳисобга олсак, соғ тупроқнинг ғишти гавҳардан ҳам қиммат эканлиги реал ҳақиқат, ахир. Шу боис бу масалага ҳозирги замон иқтисодиёти талабларига кўра ёндошишни мустақил республикамизнинг мутасадди ташкилотларидан умид қилайлик.

Махсус қарорлар билан соғ тупроқни исроф қилишдан воз кечиб, қурилиш материали хом ғишт ва бошқа турли керамика буюмларини қадимий тикан ўсмайдиган гиллардан ясашни республика бўйича жорий этиб ёнбағир ва водийлардаги соғ тупроқларни экинзорларга берайлик. Бу масалани давлат миқёсида ҳал этган Испания ҳукумати ўзидаги қизил гиллардан тайёрлаган ғиштларни ҳатто чет элларга — жумладан, Канадага валютага сотмоқда.

Кези келганда шуни ҳам таъкидлаб айтиш мумкинки, ҳадеганда ғиштга зўр бервериш ўрнига тараққий этган давлатлар каби керамзит ва унинг асосида республикамизда ҳам кенг миқёсда керамзит-бетонга ўтишнинг вақти етиб келди, деб ҳисоблайман. Чунки она-Ватан ер бағри махсус печларда 950—1050 даража ҳароратда қиздириб гилмоядан олинадиган ғовакли — тошдан қаттиқ, лекин сувда чўкмайдиган керамзит хом ашёсига жуда ҳам бой бўлиб, унинг республикамиздаги заҳиралари амалий жиҳатдан битмас-туганмасдир.

Таъбир жоиз бўлса, шуни алоҳида уқтириш мумкинки, гилмоядан керамзит олиш ҳанузга қадар республикамизда яхши тараққий этмаган. Гўё Ўзбекистон гилмояларидан сифатли керамзит олиш мумкин эмас, деган нотўғри фикрлар ҳозиргача ҳукмрон. Бу ўринда шуни айтиш мумкинки, керамзит олиш учун гилмоялар айбдор эмас, балки технологиялар айбдордир. Нега десангиз, биздаги мавжуд технология Россия гилларига мослаб ишланган. Ваҳоланки, бизнинг гилмоялар Россия гилмояларидан таркиб жиҳатдан фарқ қиладилар. Шунинг учун 20 дан ортиқ керамзит олиш технологиясига эга бўлган АҚШдан ибрат олиб, ҳар бир гилнинг ўзига хос технологияси ишлаб чиқилса борми, республикамиз яқин келгусида керамзит ва керамзит-бетон деган енгил, иссиқ-совуқни ўтказмайдиган қурилиш материаллари ватанига айланиши турган гап!

Қурилишда ғиштдан воз кечишнинг прогрессив усулларидан яна бири чиғаноқли — оҳактошлардан блоклар кесиб иморатлар қуришдир. Бундай хом ашё ҳам республикамиз жанубида кенг тарқалган бўлиб, уларнинг заҳиралари ҳам беқиёсдир. Агар бу соҳада Озарбойжон тажрибасини мисол қилиб оладиган бўлсак, у ердаги биргина Тошкесир кареридан кесиб-арралаб олинаётган чиғаноқли оҳак тошлар мана 100 йиллардан ошиқ турли қурилишларда ишлатилмоқда. Уларнинг таннархи ғиштга нисбатан анчагина арзон ва чидамлидир. Бунга асрлар тазйиқига бардош бериб келаётган Миср эҳромлари ва Москва яқинидаги Белокаменная шаҳарлари яққол мисол бўла оладилар.

Юқорида баён этилган фикрларга якун ясаб, 1 метр қалинликка эга бўлган соғ тупроқ устидаги ҳосилдор тупроқ қатламини авайлаб асрайлик, унинг бекорга исроф бўлишига йўл қўймайлик. Чунки у қатлам бизнинг ризқи-рўзимиз. Агар бу соҳада Япония мисолига бир назар ташласак, улар қуруқликдаги ризқи рўз камайиб бораётгани учун бу соҳада океанга мурожаат қилиб, ҳозирда ундаги сув ўтларидан кулча тайёрлаб, балиқларидан турли хил таомларга ўтмоқдалар. Ҳатто Японияда океанда сузиб юрувчи шаҳар — кемалар ясашга дадил лойиҳалар таклиф этилмоқда. Бу Япония мисолини ва 1000 йилда 1 мм соғ тупроқ қатламининг пайдо бўлишини эътиборга оладиган бўлсак, ундан қурилиш материали тайёрлаш XX асрда табиатга нисбатан жиноят эканлигига тўла ишонч ҳосил қилиш унча мушкул иш эмас, албатта.

**Мирмажид ЗОКИРОВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган геолог**

# ҚОДИРИЙ

1928-29 йиллар бўлса керак, ёз кунларининг бирида Тошкентнинг Сузук ота маҳалласидан қайтар эдим. Йўлим жарликдан ўтарди. Жарлик ёқасида жойлашган Абдулла Қодирийга тегишли боғ ёнидан ўтдим. Бир оз юргач боғ қўшнимиз Зайниддин амакини учратдим. Саломлашгач, у киши «Абдулла Қодирий боғчасига кетяпман. Бир озроқ гапим бор, тезда қайтаман. Сиз ҳам юринг мен билан бирга, уйга бирга қайтамиз, адибни зиёрат қилиб чиқасиз», деб қўлимдан ушладилар. «Хўп» деб бирга Абдулла Қодирий боғига кирдик.

Адиб қўлларида ток қайчи билан дарахтларни режалаб юрган эканлар. Бизни кўриб жилмайиб хушвақт қабул қилдилар ва ўртадаги шийпонга йўл бошладилар. Зайниддин бухгалтер деб танилган ҳамроҳим адиб билан маҳалладош. Чой, дастурхон келгач, ҳамроҳим ўз фикрини айтиб керакли жавобни олди. Кейин адиб мен билан қизиқиб, кимлигимни сўрадилар. Ҳамроҳим: «Боғ қўшним, шу ерда учратиб қолдим, бирга қайтамиз деб келдим», дедилар. Адиб: «Кўп яхши, танишиб оламиз», деб менга саволлар бера бошладилар. Мен қисқача



ўзим ҳақимда гапириб: «Мен Наримонов таълим-тарбия техникумини битириб, ҳозир ўқитувчи бўлиб ишлайман», дедим. «Нимадан дарс берасиз? — дедилар. Мен: «Тил, адабиёт, жуғрофия каби фанлардан», — дедим. Кейин: «Бу Шаҳид Эсон мудир бўлган Ҳадрадаги техникумми?» — деб сўрадилар. Мен: «Илгари Хадрада ва номи «Навоий» эди, ҳозир Янги шаҳарда, номи «Наримонов» бўлган. Эсон афанди ҳозир ишламайдилар», деб жавоб бердим.

Қодирий: «Мен Хадрадаги бинода бўлиб, Эсон афанди билан сўзлашганман. У киши адабиёт дарси берганлар», — дедилар. Кейин: «Наримоновда адабиёт дарсини ким олиб боради? — деб сўрадилар. Мен: «Бокуда таҳсил олиб келган Олим Шарафуддинов дарс олиб борадилар», — дедим.

Кейин Қодирий: «Ўтган кунлар» рўмонини ўқидингларми?» — дедилар. Китоб уч бўлак бўлиб чиққанда

*Эл ибрати*

## УСТОЗЛАР МУРУВВАТИ, ШОГИРДЛАР ҲАМИЯТИ

30-йилларнинг охириларида тўй-томошалар, халқ сайиллари, шодиёналари каби яхши урф-одатларимиз, удумларимиз, миллий анъаналаримизни уюштириш ва бошқаришда мавлоно Ғафур Ғулом фаол эдилар. Каримберди бойвачча, Неъматулла бойвачча, Абдулла бойвачча, Обид бойвачча, Миразиз бойвачча, мулла Абдулло махсум, мулла Иброҳим, мулла Масхариддин каби собиқ бой-боёнларнинг алоҳида улфатчилиги бўларди. Ғафур Ғулом шу бойвачча ва муллалар билан гап ердилар, улар ила ғоят қадрдон эдилар. Ўша пайтлари ҳали ёш бўлганлигим боис «пролетар шоирининг» бойваччалар билан улфатлашиш, дўстлашиш сабабларини билмасдим, албатта. Талабалик йиллари, миямиз, онгимиз марксизм-ленинизм оғуси билан заҳарланган вақтларда Ғафур акадан ўша «сабабни» сўриштирганим ҳамон ёдимда. Улуғ адибнинг жавоблари ҳам ҳеч замон эсимдан чиқмайди. «Сенлар ҳали ёш, ғўрсанлар, кўп нарсаларни билмайсанлар, шаккоклик ҳам қиласанлар. Кадиободдаги ҳар бир инсон, айниқса собиқ бой-бойваччалар иззат-ҳурматга лойиқ инсонлар. Шуни билиб қўйки, аксарият бойлар ақл-заковатли, идрокли, фаҳм-фаросатли, инсоф-диёнатли, меҳр-мурувватли бўлганлар. Ақлсиз, уқувсиз, нодон ва дангасадан бой-боён чиқмайди. Албатта, шоли курмаксиз бўлмаганидек, улар ичида молпараст, зиқна-қурумсоқлари ва ноинсофлари ҳам бўлган. Уларнинг кўпи совет даврида номсиз, дараксиз йўқолгандирлар. Бундайлар Кадиобод маҳалласида деярли бўлмаган. Шу боис ҳам маҳалламизни Аллоҳ таоло ўз паноҳида асраган. Бойвачча улфатларим, ёру-биродарларим элсевар, камбағалпарвар ва маърифатпарвар бўлганлар. Етим-есирларни бошини силаганлар, муҳтожларга ош-нон улашганлар, мактаблар, мадрасалар очганлар, масжидлар, йўл-кўприклар қурганлар. Хуллас, улар савоб ишларни кўп қилганлар. Оқил ва одил бўлганликлари учун ҳам барча мол-мулк, ер-сувларини инқилоб пайтида советларга топшириб, омон қолганлар. Уларнинг бирontаси ҳам хору-зор, беобрў бўлгани йўқ. Ҳамон иззат-ҳурмати, обрў-эътибори халқ орасида Ғафур Ғуломникидан қолишмайди».

Ғафур ака маҳалламиздаги собиқ бойлар таъриф-тавсифини қилар эканлар, айниқса менинг бобом бўлмиш Зуннунбой ҳақида илиқ, самимий гапларин айтардилар. Бувамлар билан Ғафур Ғулом ўртасида кўп суҳбатлар ва баҳсларнинг гувоҳи бўлганман. Ғафур ака бувамларни ҳам ота ўрнида, ҳам донишманд, маърифатсевар инсон сифатида ҳурмат қилардилар. Зуннун бобом эса Ғафур акани мақтаб, хўп дилкаш, идрокли йигит-да, дердилар.

Дадамларнинг айтишларича, Зуннунбой ўртаҳол мулкдор эканлар. Асосан савдо-тижорат ила шуғулланганлар. Тошкент ва Қўқонда уй-ҳовлилари, савдо дўконлари бўлган. Санкт-Петербург, Москва, Уфа, Қозон, Жамбул, Туркистон савдо аҳли билан олди-сотти қилганлар. Ошна-оғайнилар, қавм-қариндошларга ғоят меҳр-оқибатли, камбағалларга меҳр-мурувватли бўлган эканлар. Топган-тутганларини улар билан баҳам кўраркканлар. Боз устига илм-маърифатга ўч эканлар. Аъламлар, фозиллар, муллалар суҳбатини, ўзаро баҳсларини, мунозараларини жуда ёқтирарканлар.

Бувамлар ўз фарзандларини ҳам илмли-билимли бўлишлари учун жон куйдирганлар. Шу боис ҳам барча фарзандлари оқил-фозил инсонлар бўлиб етишдилар. Катта — тўнғич ўғиллари бўлмиш Шорасул Зуннун эл-юртга танилган, илм-фан равнақига жон фидо қилган мударрис домла эдилар. Илм-маърифат шайдоси ҳамда миллатсевар, миллатпарвар бўлганлари учун ҳам кўп умрлари қамоқларда, сургунларда ўтди. Қамоқдан оқланиб чиққанларидан сўнг қолган умрларини ҳам халқ орасида зиё тарқатишга сарфладилар.

Иккинчи ўғиллари Ҳасан Зуннунов ҳам адабиётшунос-тилшунос олим, педагог сифатида республикамизда маориф ривожига хизмат қилдилар. Юзлаб, минглаб мухлислари ва шогирдлари тоғамизни ҳамон миннатдорчилик ила ёдга оладилар (Илоҳим Аллоҳ Шорасул ва Ҳасан тоғаларимизни раҳматига олган бўлсин).

Бувамларнинг суюкли ўғиллари Асқар тоғамиз ҳам акалари сингари эл-юртга танилган номдор педагог олим бўлиб етишдилар. Педагогика фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи деган олий илмий даража ва унвонларга мушарраф бўлдилар. Асқар Зуннунов яратган адабиёт фани ва педагогикага оид илмий, илмий-оммабоп асарларнинг сон-саноғига етолмайсиз. Табаррук ёшга етган бўлсаларда, ҳамон илмий меҳнатдан чарчамайдилар.

Зуннунбойнинг Ҳабибахон исмли қизлари ҳам акалари каби педагогика соҳасида адабиёт ва она тилидан деярли 50 йил ёшларга дарс бердилар. Ҳозир нафақадалар. Бувамнинг Мавжуда ва Ҳадичахон қизлари ҳам оқила ва покиза аёллар эдилар.

Зуннунбой оиласи ўз замонасининг илғор бой-боёнлари, уламолари, алломалари, илм-маърифат аҳли билан яқин алоқада бўлган. Жумладан, бувамиз Туркистонлик савдогар Саидносир Миржалил ўғли билан ошна-оғайнигарчилик қилганлар. Маълумки, Саидносир Миржалил ўғли Ойбекнинг рафиқаси Зарифа опанинг оталари эди. У киши ҳам Зуннунбойга ўхшаш ҳотамтой, ҳамиятли ва маърифатпарвар эканлар. Саидносир домла Туркистонда кўп савоб ишлар қилганлар. Чунончи, Туркистонда биринчи бўлиб, замонавий мактаб очганлар, унинг таъминотини, барча сарф-харажатларини ўз зиммаларига олганлар. Инқилоб йилларида Туркистонда нотинчлик, алғов-далғов авж олиши туфайли оилалари билан Тошкентга келиб, Тарновбоши маҳалласида бир неча вақт истиқомат қилганлар. Ўша пайтларда Зуннунбой билан Саидносирбой оилавий борди-келди қилишган. Ҳабиба холамизнинг эслашларича, Зарифа опа оналари билан бувамлар хонадонида бот-бот меҳмон бўлганлар. Бир неча бор қайлиқлари Ойбек ила бирга келганлар. Зуннунбой билан Ойбек ўртасида илиқ ва самимий суҳбатлар бўлган экан. Бувамиз, бу йигитнинг истараси иссиқ, кўзида меҳр чақнайди, дея Ойбекка ҳаваслари келаркан. Дуойи фотиҳада адибга кўп яхши тилаклар айтарканлар.

Ойбекнинг Зуннунбой хонадонига бориш сабабларидан яна бири Шорасул Зуннун Ойбекнинг домласи бўлганлар. Адиб Навоий билим юртида таҳсил олган пайтларида тоғамиз бу илм даргоҳида дарс берганлар ва Ойбекка ҳамиша ҳомийлик қилганлар. Шорасул домланинг айтишларича, Ойбек ёшлигиданоқ ғоят салоҳиятли, одоб-ахлоқли, андишали талабалардан экан. Шу боис домла Ойбекни хуш кўрганлар ва унга моддий-маънавий ёрдам бериб турганлар. Зарифа опа «Ойбегим менинг» аталмиш ажойиб эсдаликларида Шорасул Зуннуннинг ҳиммати ҳақида шундай ёзганлар: «Ойбек 1927-1928 йилларда (Ленинградда ўқиган йиллари. Ф. А.) оғир иқтисодий ҳолатда яшаган. Кейин маълум бўлишича, у кўпинча оч қолиб, қуруқ нон ва шўр бодринг билан тирикчилик ўтказиб юрган. Бир куни у кулиб-кулиб айтиб берган эди: шундай пулга зор бўлиб, қора нонни бодринг билан ошалаб ётган кунларнинг бирида Тошкентдан Шорасул Зуннундан унга пул бориб қолган, орадан қанча йиллар ўтиб, Шорасул Зуннун бир неча бор қамалиб келганда Ойбек бир куни бир даста пул берган эди. Шунда мен Шорасул аканинг Ойбекка мадад берган ўша кунларини эсладим». Демак, адибнинг энг яқин жонкуяр меҳрибонларидан бири Зуннунбойнинг ўғли Шорасул домла бўлган. Зотан, Зуннунбой оиласи Ойбекка меҳр-муҳаббат, меҳр-мурувват кўрсатган. Адибнинг Зуннунбой хонадонига бориш сабабларидан яна бири, Ойбек бўлажак асарлари учун материаллар, ҳужжатлар тўплаш эҳтимоли ҳам бўлиши мумкин. Маърифатпарвар Зуннунбойнинг турмуш тарзи, туриш-турмуши, феъли-атвори, характери, зиёкор фарзандларининг ҳаёти адиб учун илҳом манбаи бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас.

Шорасул домла фақат Ойбекка эмас, барча иқтидорли талабаларга ҳомийлик қилганлар, мурувват кўрсатганлар. Асқар тоғамизнинг айтишларича, Шорасул домла ўз шогирдларини кўпинча уйга бошлаб келарканлар, уларни меҳмон қилиб, сийларканлар. Иқтидорли талабалардан бири Азиз Мақсудов Зуннунбойга куёв бўлганлар. У киши эл-юртда ном чиқарган машҳур профессор-шифокор эдилар.

Табиийки, қатағон йилларида Зуннунбой билан Ойбек ўртасидаги алоқалар узилиб қолди. Шорасул домла 40-йилларининг охирларида қамоқдан вақтинча қутилиб келган пайтларида Охунбобоев тиббиёт техникумида дарс бериб юрдилар. Ўша кезлари ҳар куни, ҳар оқшом мен билан дардлашардилар. Собиқ ГПУдан омон қолган қўлёзма китобларни ўқиб берардилар, панд-насиҳатлар қилардилар. Бир армонли гаплари ҳамон ёдимдан чиқмайди: «Ойбекни жуда соғинганман. Уй-ҳовлиси техникумга яқин, деб эшитаман. Ишга борган куним оёғим, дилим унинг хонадонига томон тортади. Афсуски, Ойбекка етишолмайман. Чунки, уни бадном қилишни истамайман. Агар, Ойбек уйига қадам ранжида қилсам, Ойбек халқ душмани билан алоқа қиляпти, деган тухматга қолиши мумкин. Ўзим Тошкентда омонат турганга ўхшайман. Мен тортган азоб-уқубатни бошқалар тортмасин». Тоғамларнинг шубҳалари, тахминлари тўғри чиқди. 50-йилнинг бошларида қайта ҳибсга олиндилар. Кейинчалик қамоқдан бутунлай оқланиб чиққанларидан сўнг, Ойбек билан бир неча бор учрашиб, дилкашлик қилганларини мамнуният билан сўзлаган эдилар. Суҳбатлар чоғида Ойбек Зуннунбой ва Шорасул домладан умрбод миннатдор эканликларини такрор-такрор айтган эканлар.

**Фатҳулла АБДУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими**

